



LEGAL BASIS OF REGULATION OF STATE CIVIL SERVICE

Feruz Yuldasheva

Associate Professor, PhD

Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: feruza7071@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Public civil service, legal framework, personnel selection, test questions, gamification, conflict of interest, automation, public administration.

Received: 27.11.24

Accepted: 29.11.24

Published: 01.12.24

Abstract: This article is devoted to the issues of legal regulation of the civil service system in Uzbekistan. Reforms in the field of civil service include training personnel who meet the requirements of the times, placing them in appropriate positions, and improving their professional skills. The Law "On Civil Service", adopted in 2022, defined the rights, obligations, and social guarantees of civil servants and supplemented the legal framework. In particular, measures were proposed to create professional tests that are appropriate to the specific characteristics of the position, increase transparency in the selection process, and prevent conflicts of interest. The importance of introducing gamification and case studies in the personnel selection process is also indicated. The practical application of these proposals will serve to increase the efficiency of public administration and ensure the competitiveness of the personnel selection process.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Феруза Юлдашева

доценти в.б., PhD

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: feruza7071@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Давлат фуқаролик хизмати, ҳуқуқий асослар, кадрлар танлови, тест саволлари, геймификация, манфаатлар тўқнашуви, автоматлаштириш, давлат бошқаруви.

Аннотация: Мазкур мақола Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизмати тизимини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига бағишланган. Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ислохотлар замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш, уларни мақсадга мувофиқ лавозимларга жойлаштириш ва профессионал малакасини оширишни ўз ичига олади. 2022 йилда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ижтимоий қафолатларини белгилаб, ҳуқуқий бошлиқларни тўлдирган. Жумладан, лавозимнинг ўзига хос хусусиятларига мос профессионал тестлар яратиш, танлов жараёнида шаффофликни ошириш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга доир чоралар таклиф этилган. Шунингдек, кадрлар танлови жараёнида геймификация ва кейс тадқиқотларни жорий этишнинг аҳамияти кўрсатилган. Бу таклифларнинг амалда қўлланиши давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва кадрлар танлаш жараёнининг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

**ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ
ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ**

Феруза Юлдашева

доцент, PhD

Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: feruza7071@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Государственная государственная служба, правовая база, кадровый отбор, тестовые вопросы, геймификация, конфликт интересов, автоматизация, государственное управление.

Аннотация: Данная статья посвящена вопросам правового регулирования системы государственной гражданской службы в Узбекистане. Реформы в сфере государственной гражданской службы включают в себя подготовку кадров, отвечающих требованиям времени, расстановку их на соответствующих должностях и повышение их профессиональной квалификации. Закон «О государственной гражданской службе», принятый в 2022 году, определил права,

обязанности и социальные гарантии государственных служащих и дополнил юридические главы. В частности, были предложены меры по созданию профессиональных тестов, соответствующих конкретным характеристикам должности, повышению прозрачности процесса отбора и предотвращению конфликтов интересов. Также показана важность внедрения геймификации и кейс-стади в процесс подбора персонала. Практическое применение этих предложений служит повышению эффективности государственного управления и обеспечению конкурентоспособности процесса подбора кадров.

Кириш.

Жамиятнинг жадал ривожланиши, ижтимоий муносабатларнинг кескин ўзгариши давлат бошқаруви тизимида хизмат муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса давлат фуқаролик хизматида энг иқтидорли, лойиқ ва мос келадиган кадрларни танлаш, замон талаблари асосида уларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш учун мавжуд тизимда ўзгаришларни жорий этиш лозимлигини тақозо этади.

Давлат фуқаролик хизматини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари давлат хизмати соҳасини самарали ва қонуний тарзда бошқариш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу асослар давлат фуқаролик хизматидаги барқарорликни таъминлаш, хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, давлат органларининг самарали фаолият юритишини таъминлаш учун зарурдир. Давлат фуқаролик хизматида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар конституциявий, маъмурий, меҳнат, жиноят, молиявий ва бошқа қонунчилик соҳалари билан тартибга солинади.

Танланган тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани ёзишда таҳлилий-ҳуқуқий ёндашув ва эмпирик тадқиқот усуллари қўлланилди. Таҳлил жараёнида қуйидаги манбалардан фойдаланилди: Давлат фуқаролик хизмати ва хизматчилари фаолиятини тартибга соладиган миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар. Тизимни тартибга солишда 2022 йил 8 августда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунни алоҳида ўрни белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўтказилган сўровнома натижаларидан (2024 йил октябрь-ноябрь).

Тадқиқот натижалари ва усуллари таҳлили: Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги аксарият олимлар Хожиев Э.Т., Хаметов И.А, Хван Л., Стариков Ю.Н., Манохин В. М., Бахрах Д. Н., Алехин А. Р., Козлов Ю.М., Ноздрачев А. Ф.лар давлат хизмати муносабатларини

маъмурий ва конституциявий ҳуқуқни тартибга солиш предмети билан боғлиқлигини ва хизмат муносабатлигини таъкидлашади. Кўплаб тадқиқотчилар давлат фуқаролик хизмати тизимида давлат-хизмат муносабатларининг устуворлигини асослаган ҳолда, давлат хизматчилари меҳнат вазифасини эмас, балки давлат функциясини бажаради, деган қонидани илгари сурадилар.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 37-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат хизматида тенг ҳуқуқлилиги”[1] мустаҳкамлангани факти, илк бор тарихда асосий қонунимизда давлат хизматининг ҳуқуқий асосларига тегишли қоида киритилганини қайта таъкидлаб ўтиш керак. Шунингдек, давлат хизматидаги чекловлар фақат қонун билан белгиланиши мумкинлиги жорий этилгани давлат фуқаролик хизматини тартибга солишда муҳим қадам бўлди. Бу ўз навбатида фуқаро ирки, тили, дини, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, этикоди қатъи назар давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларига тенг шароитда ишга қабул қилинади. Бу норма давлат фуқаролик хизматини қонунчиликда тартибга солишда асос бўлиб ҳисобланади.

Бу борада И.А. Хаметов «давлат хизмати масалаларини ўрганар экан, фуқароларнинг давлат хизматида тенг ҳуқуқли кириши принципини Конституцияда мустаҳкамлашнинг аҳамиятини таъкидлайди. Унинг ишларида бу каби норма қонуний асосларни мустаҳкамлаши, кадрларни танлашнинг рақобатбардош ва шаффоф тизимини яратиши, шунингдек, фуқароларнинг жинси, миллатидан, тили, дини ёки ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар тенг имкониятлар яратиш орқали камситишларни камайтиришини» [3] таъкидлайди.

Шу ўринда олимлар ушбу конституциявий нормани талкин қилишлари мунозарали бўлиб, унга кўра, давлат хизматида кириш орқали фуқаро ўзининг меҳнат қилиш ёки меҳнат қобилиятини эркин тасарруф этиш ҳуқуқини эмас, балки давлат хизматидан тенг фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширади. Бундай ҳуқуқ фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг мустақил шаклидир. Кўпгина маъмурий олимлар давлат хизмати институтининг меҳнат қонунчилиги билан тартибга солиш предметида киритилиши вақтинчалик ҳодиса деб ҳисоблабгина қолмай, балки ушбу институтни меҳнат қонунчилиги билан тартибга солиш предметида чиқариб ташлаш зарурлигини ҳам асослаб берди.

Ҳар бир давлат бошқаруви тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ишлаш механизмининг яратиш махсус қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Давлат фуқаролик хизмати бу давлат бошқарувида ишлайдиган ходимларнинг мақсадга мувофиқ, ижтимоий фойдали, ташкилий жиҳатдан қонунчиликда тартибга солинадиган фаолиятдир. Шу ўринда мамлакатимизда амалга оширилган кенг ислохотлар натижасида 2022 йил 8 августда

“Давлат фуқаролик хизмати” тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу қонун қабул қилинишини жамият мустақилликдан буён кутилган. Ҳуқуқшунос олимларимиз, Хусанов О[2], И.А. Хаметов[3], Э.Т.Хожиев[4], М.А.Ахмадшаева[5], Ш.А.Асадов[6], Н. Саид-Газиева[7], М.М. Миракулов[8], Р.Р.Хақимов[9], Ф. Исаева[10], Ф. Юлдашева[11] ва бошқа олимлар илмий ишларида давлат хизматини тартибга солувчи махсус қонун қабул қилиш кераклиги тўғрисида фикр юритилган. Қонун давлат фуқаролик хизмати тизими, давлат фуқаролик хизматчиларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга нисбатан белгиланган чекловлар тақиқлар, декларация тўлдириш, жавобгарлик, ижтимоий ҳимоя масалалари тартибга солинган. Ушбу қонун қабул қилиниши қонунчиликда йиллар давомида мавжуд бўлган бошлиқ ҳуқуқий жиҳатдан тўлдирилди.

Ҳар бир давлат органларида бошқарув кадрларни танлашнинг муайян усуллари мавжуд, уларни ишга расмийлаштириш жараёни ўзига хослиги, меҳнат шартномалар форматининг бажарадиган ишига қараб мажбуриятларнинг тақсимоли, иш режими, рағбатлантириш, меҳнат интизоми, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари, ижтимоий ҳимоя масалалари ўзгалиги билан давлат фуқаролик хизматчиларни фаолиятини тартибга солиш ажралиб туради. Шу ўринда, баъзи олимлар давлат фуқаролик хизматчиларни фаолиятини тартибга солиш комплекс хусусиятга эга, яъни фақат маъмурий, конституциявий нормалар билан чегараланиб қолмасдан уларнинг фаолияти меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади деб таъкидлашади.

Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматининг муҳим манбасини Меҳнат кодекси ташкил қилади. Мазкур Кодекс давлат хизматчилари иштирокидаги меҳнат муносабатларининг умумий асосларини белгилайди. “Давлат хизматчиларини ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, иш вақти ва дам олиш вақти, уларга кафолатли ва компенсация тўловларини тўлаш, интизомий ва моддий жавобгарлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий нафақалар билан таъминлаш қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Меҳнат кодексидаги қоидалар асосида амалга ошади”[12]. Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 2 моддасида “Давлат фуқаролик хизматчиларининг ушбу Қонун билан тартибга солинмаган меҳнатга оид муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан тартибга солинади”[13] деб белгиланган.

Давлат фуқаролик хизматида меҳнатга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда меҳнат қонунчилиги алоҳида ўрин тутади. Чунки давлат хизматчиларининг фаолиятига ҳар бир хизмат соҳаларини тартибга солувчи махсус қонунлар билан бир қаторда меҳнат қонунчилиги ҳам татбиқ этилади.

2022 йил 28 октябрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат кодекси”нинг тегишли моддасида унинг амал қилиши доирасига “Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчиларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг хориждаги давлат муассасаларига (дипломатик, консуллик муассасаларига ва бошқа муассасаларга) ишга юборилган ходимларига, шунингдек қонунда назарда тутилган ўзига хос хусусиятларга эга бўлган муқобил хизматни ўтаётган шахсларга нисбатан татбиқ этилади”[14].

Шунингдек, “контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, шунингдек ички ишлар ва давлат божхона хизмати органларида, прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматида, Миллий гвардиясида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг махсус қонунчиликка зид бўлмаган қисми татбиқ этилади.

Судьяларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг судлар тўғрисидаги қонунчиликда ва қутқарув хизматларининг ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси бўйича ишлаётганлар жумласидан бўлган қутқарувчиларининг меҳнатга оид муносабатларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинмаган қисми бўйича татбиқ этилади”[14]. Ушбу моддадан кўришиб турибдики меҳнат қонунчилиги бутунлай давлат хизматчиларнинг фаолиятини тартибга солишда амал қилади.

Юқоридаги қоидаларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳам, давлатнинг махсус хизмати ходимларининг фаолиятига татбиқ этилади, дейиш мумкин. Қайд этиш зарурки, давлат хизмати соҳаларига оид махсус қонунлар ушбу соҳалар учун ҳам амал қилади. Махсус қонун билан тартибга солинмаган муносабатлар эса Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

2014 йил 5 майдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти бошқарув органларининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунни[15] қабул қилиниши барча ахборотларнинг ошқоралиги ва шаффофлигини таъминлайди. Давлат бошқарувининг веб сайтлари орқали барча жисмоний ва юридик шахслар учун тўлиқ маълумот олиш ва уларнинг фаолияти ҳақида танишиб бориш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни[16]нинг мақсади мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2019 йил 2 сентябр куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”

Қонуни[17] давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ҳуқуқлари янада кучайтирилди. Ушбу Қонуннинг 3-бобида Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари белгиланган.

Давлат фуқаролик хизмати тизимини тартибга соладиган муҳим ҳужжатлардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январь куни қабул қилинган «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-14-сонли Фармонида давлат фуқаролик хизмати тизими кўришимиз мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчилари лавозимлари тахминий рўйхатлари қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги қабул қилинган “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги “Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида”ги 339-сонли, 2023 йил 6 майдаги “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги “Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида (хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори (халикк-2020) давлат стандарти)” тўғрисидаги 05-1288-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 14 майдаги 1288-4-сонли “Ходимлар сонини тартибга солиш ва бошқарув таркибини таъминлаш учун харажатларни мақбуллаштириш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, 2015 йил 30 декабрдаги 1288-3-сонли “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимлари рўйхатига ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари сони нисбатининг нормативларини белгилаш услубиётига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларида хизмат кўрсатадиган давлат фуқаролик хизматчиларининг рўйхатлари берилган.

Амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирларга қарамасдан, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, такрорланувчи функцияларни бажарадиган давлат органлари, турли комиссияларни бекор қилиш ёки бири-бирига қўшиш орқали давлат бошқаруви ва хизматини тубдан ислоҳ этиш долзарб аҳамият

касб этмоқда. Бу эса, мамлакатимизда давлат хизматига кириш ва ўташнинг ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги “Давлат хизматчиларини лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида”ги 339-сонли Қарорнинг қабул қилиниши жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки бу давлат хизматчиларининг меҳнати 20% устама тўлов билан рағбатлантирилиш орқали, уларнинг самарали меҳнат фаолиятини амалга оширишини таъминлайди ва уларнинг ишчанлик қобилятини ошишига туртки бўлади. Бу имтиёз нафақат давлат хизматчиларининг ойлик маош миқдорларига балки уларнинг “ўртача иш ҳақларини ҳисоблаб чиқаришда меҳнат таътиллари учун тўловларда, ишдан бўшатилганда ёрдам пули беришда ва бошқа барча ҳоллардаги тўловларда, шунингдек, пенсия тайинлашда ҳисобга олинади”[18]. Бу қарорнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ҳужжатда ушбу устама тўлови тайинланадиган давлат хизматчиларнинг рўйхати берилган. Биламизки мамлакатимизда барча давлат хизматчиларнинг лавозим рўйхати шакллантирилган классификатор мавжуд эмас.

2022 йил 14 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»[19] 595-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, давлат хизматчиларининг фаолиятида коррупция ҳолатларига қарши курашиш ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиш, шартлилик нормасининг киритилиши маҳаллий ва давлат бошқарувида ишлаётган давлат хизматчиларининг ўз касбида тўғри ва оғишмай фаолият юритиши, шунингдек, ён атрофида давлат хизматчиларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки юқори турувчи ташкилотларга етказиш бўйича қоидали кўриш мумкин.

Ушбу намунавий қарорда яна бир қоида давлат хизматчилари ўз касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шартлиги, улар ошкор этилса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар, деб белгилаб қўйилди. Шунингдек, давлат фуқаролик хизматчилари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа давлат

хизматчилар ўртасида ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топтиришга даъват этилган.

Қолаверса, давлат хизматчилари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан бўлган муносабатларда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчилар ва фуқароларга нисбатан кўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида, иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда давлат хизматчиларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак деган қоидаларнинг киритилиши давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ишлаётган давлат хизматчиларининг масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Демак, бугунги куннинг давлат хизматчиси ўз фаолиятини нафақат хизматчи, балки жамият фуқароларини ҳам ахлоқий нормалар асосида бирлаштириш, ягона мақсад сари сафарбар этишга қаратади. Шунинг учун ҳам асрлар силсиласида ватанга хизмат қилиш, адолатлилик, фидойилик, инсонпарварлик каби ахлоқий фазилатларнинг давлат хизматчиси фаолиятига киритилиши давлатчиликни мустаҳкамлаш, унинг ривожланишини таъминлаш омиллари сифатида бош мезонга айланмоқда. Давлат хизматчиси ахлоқининг жамият тафаккури шаклланиши, инсон қалбидаги адолат, тинчлик, озодлик, поклик каби туйғуларнинг умумхалқ туйғуларига, маданиятига айланишидаги ўрнига катта аҳамият бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 3 октябрда “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [20] Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг функционал вазифалари ва сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябр куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сонли Қарори билан белгиланди.

Яна муҳим ҳужжатлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3755-сон қарорига биноан давлат ва

хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари тизимида кадрларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш кўзда тутилган. Мазкур Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, ва “Буюк келажак” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳар уч йилда истиқболли бошқарув кадрларини саралаш бўйича “Тараққиёт” республика танловини ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисида Мурожаатномасида “Бугун бирорта идоранинг ўтган даврдаги фаолиятини ҳолисона баҳолаш имконини берадиган аниқ мезон йўқ. Масалан, ҳозирги кунгача мен Иқтисодиёт вазирлиги ёки бошқа бирон вазирлик фаолиятига қайси мезонлар бўйича баҳо берилишини билмайман. Шунинг учун вазирлик ва идоралар, барча даражадаги ҳокимликлар прогноз кўрсаткичларни белгилашда уз фаолиятида кутилаётган натижаларнинг аниқ миқдор ва сифат кўрсаткичларини белгилаб олиши лозим”[21] - деб таъкидлади.

Миллий олимларимиз Холов А. “давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш тизимини жорий этиш, баҳолаш мезонлари ва даврийлигини аниқлаш, баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш ва уларнинг мониторингини юритиш, натижаларни таҳлил қилиш, текшириш ва экспертизадан утказиш борасида долзарб масалаларни муҳокама қилиш ҳамда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади”[22]. Шу ўринда давлат хизматчилари фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (Key Performance Indicators, KPI) ташкилотда стратегик мақсадларни белгилашда кўмаклашувчи, шунингдек, хизматчилар ўз вазифа ва функцияларни тўлоқонли бажаришга мажбурлайдиган мезонлардандир. Бундай мезонлардан фойдаланиш ҳудудларда ҳақиқий ҳолатни таҳлил қилиш имконини беради. Шунингдек, асосий режа ва стратегик мақсадларни белгилаб олиш учун асос булади.

Шу ўринда замон талаби билан, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонуни билан давлат хизматчисини рағбатлантириш ҳамда ҳолисона ва адолатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича кўтарилишини таъминлаш учун унинг фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш тизими жорий этилган бўлиб, улар асосида баҳолаш услубияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 21 ноябрдаги 2-2022-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Раҳбар кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларни ҳуқуқий асосларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик

бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонида биноан, “ҳар бир самарадорлик кўрсаткичига белгиланадиган салмоқ ўлчови йиғиндисидан келиб чиқиб, самарадорлик кўрсаткичлари улар бажарилиши 70 фоиздан кам бўлганда — «қониқарсиз», 70 фоиздан 85 фоизгача — «қониқарли», 85 фоиздан 100 фоизгача — «яхши» ҳамда 100 фоиз ва ундан юқори бўлганда «аъло» деб баҳоланади»[23].

Тизим бўйича тартибга солувчи қонунларга Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун[24] да маҳаллий ҳокимият органлари - вакиллик ва ижро ҳокимияти органларида хизматни ўташнинг ҳуқуқий асослари ўрнатилгандир. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабр куни қабул қилинган «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори [25] маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини такомиллаштириб, барча соҳаларда олиб борадиган сиёсати йўналтириб, маҳаллий давлат ҳокимликларнинг намунавий тузилмаси, штат бирлиги сони ва лавозимлари белгилаб берилган.

Давлат фуқаролик хизматида тизимли ислохотларни белгилаб берадиган ҳужжатлардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон 2030” стратегияси ҳисобланади. Мазкур ҳужжатнинг 78 ва 81- мақсадларида давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришда устувор вазифалар белгиланди.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида кенг кўламли таркибий ислохотларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий экспертлар кўмагининг мувофиқлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таркибий ислохотларни амалга оширишда экспертлик кўмаги самарадорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, хорижий экспертларни давлат ишларига жалб этиш тартиби белгиланди.

Хулоса.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат фуқаролик хизмати тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарали бошқарув ва шаффофликни таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга, ижтимоий адолат, тенг имкониятлар ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига катта эътибор қаратилмоқда. Амалдаги қонунчилик давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятини қонуний асосда ривожлантиришга ва самарали давлат бошқарувини таъминлашга қаратилган.

Миллий қонунчиликни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги тартиблар йўқлиги кўзга ташланди. Яъни, давлат фуқаролик хизмати лавозимлари реестри, давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаш учун танлов ўтказиш тартиби, давлат фуқаролик хизматчиларнинг касбий компетенцияларини узлуксиз равишда ошириш тартиби, миллий кадрлар захирасини бошқариш тартиби, давлат фуқаролик хизматчиларга малака даражасини бериш тартиби, давлат фуқаролик хизматчиларни ротация қилиш тартиби, давлат фуқаролик хизматчиларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларда қоидалар белгиланмаган.

Шу ўринда миллий қонунчиликни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги таклифлар келиб чиқди, шаффоф ва рақобатбардош танлов жараёнларини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимларнинг ягона очиқ портали (vacancy.argos.uz), (test_argos.uz) платформалари ишлаш жараёнида камчиликлар аниқланди. Яъни тизимда умумий АКТ, мантқиқ ва миллий қонунчилик тизими бўйича тест саволлари шакллантирилган. Лекин, давлат фуқаролик хизмати лавозимлардаги фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган саволлар йўқ. Турли давлат лавозимлари бўйича мослаштирилган саволлар базасининг йўқлиги, натижада, ишга қабул жараёнида аниқлик етишмаётгани камчиликдир. Давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимларига очиқ танлов ўтказиш тартибини аниқ белгилаб берадиган расмий низом қабул қилинмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиалларида 2024 йил октябрь ноябрь оралигида вилоят, туман (шаҳар) кадрлар билан ишлаш тузилмалари бошқарув кадрлари учун малака ошириш курслари тингловчилари (180 респондент) фикрларини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўровнома натижасига кўра, “Давлат хизматига қабул қилиш учун очиқ танловни ўтказиш давлат органларининг кадрларини яхшилашга ёрдам беради деб ўйлайсизми?” деган саволга 63,7% “Ҳа”, 12,1 % , “Қисман ҳа”, 0 % “Йўқ”, “Бошқа жавоб” вариантыга тингловчилар амалдаги муаммоларни ёритишган.

Яъни, “tizim takomillashtirish kerakligini”, “kadrlar tanlovida shaffoflikni taъminlash maqsadida jamoatchilik nazorati mexanizmlarini kuchaytirish maqsadga muvofiqligini”, “tanlov va suхbat jaraёндаги бериладиган саволлар вакант лавозим доирасида бажариладиган ишга мувофиқ тузилиши кераклигини”, “манфаатлар тўқнашувини олдини оладиган чоралар кўпайтириш кераклигини” таъкидлашган.

Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимларга қабул қилиш жараёнида шаффофликни таъминлаш ва кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш

муҳим аҳамият касб этмоқда. Қуйидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар келтирилган:

Ҳозирги кунда давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимларининг очик танлов ўтказиш тўғрисида низом қабул қилинмаганлиги тизим тўлақонли ишлашини ва мавҳум олдини олишга ёрдам беради. Давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимлари бўйича тест саволлари базасини янгилаш, уни лавозимнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш мақсадга мувофиқ. Лавозимнинг функциялари ва вазифаларига мувофиқ келадиган профессионал тестлар ва кейс ва ишга қабул қилиш жараёнини геймофикация[26] лаштириш керак. Бу таклифларни амалга ошириш давлат бошқарувидаги кадрлар тизимини такомиллаштириш ва уни замонавий стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
2. Хусанов О.Т. Давлат бошқаруви ва давлат хизмати// “Ҳуқуқ ва бурч” журнали 7-сон. 2020. – Б. 2-7.
3. Хамедов И.А. Организационно-правовые проблемы совершенствования системы государственного управления в Республике Узбекистан: дисс..д.ю.н – Т., 2004. – Б. 252.
4. Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. – Т.: Фан ва технология, 2008. – Б.232.
5. Ахмедшаева М.А. Давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимияти юрид.фан.док. дисс. автореф. – Т.: 2010. – 29.
6. Асадов Ш.Ф. Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: юрид.фан.док. ...диссертацияси. – Т., 2019. – Б.20.
7. Саид-Газиева Н.Ш. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этиш масалалари. / Монография. Масъул муҳаррир: З.М.Исломов. – Т.: ТДЮИ, 2008, – Б.31.
8. Миракулов М.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил): юрид.фан.док. ...диссертацияси. – Т., 2016. – Б.20.
9. Хақимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: юрид.фан.док. ...диссертацияси. – Т., 2018. – Б.38, 68.
10. Ўзбекистонда давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Муаллифлар жамоаси / монография / Масъул муҳаррир: Х.С.Исламходжаев, Х.Т.Одилқориев. – Т.: ТДЮУ, 2016. – Б. 266.

11. Юлдашева Ф.У. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматига кириш ва ўташнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш: ю.ф.ф.д. ... дисс. – Т., 2021. – Б. 14 -33
12. Ш.Исмаилов “Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари” ю.ф.д.дисс... Т.: 2020. – Б. 231
13. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон
14. Ўзбекистон Республикаси Меҳна кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон
15. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти бошқарув органларининг очиклиги тўғрисида”ги қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон
16. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.06.2024 й., 03/24/931/0402-сон
17. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат хизматчиларини лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2019 й., 09/19/346/2994-сон.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.10.2022 й., 09/22/595/0921-сон
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 3 октябрда “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 06/21/6256/0636-сон
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-20171>
22. А.Холов. Давлат хизматчилари фаолияти самарадорлиги баҳолаш // “Жамият ва бошқарув” журнали, 3- сон. 2019. – Б. 84
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 март куни қабул қилинган “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари

фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.03.2024 й., 06/24/49/0205-сон

24. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.10.2024 й., 03/24/976/0833-сон

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 октябрдаги ПФ-165-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.10.2024 й., 06/24/165/0856-сон

26. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/gamification>